



...Уларнинг жисмлари хибсда. Рухлари эса озодликда. Хозир ўқлар узилади. Бедор юраклар уришдан тўхтайди. Жисм ҳаёт чоғида агар юрак факат кон хайдаш билан банд бўлган бўлса, жон чиқиши билан у ҳам ўлар. Агар юрак эл гамида, инсонлар гамида яшаган бўлса, бир ўк тегиши нима экан, кийма-кийма килиниб зарралари олам аро сочиб юборилса ҳам ўлмайди, яшайверади...

1938 - мелодий, ўктабр ойининг тўртинчиси, куз кунларининг бири, куёш аллакачон ботган, аммо теварақдан шом азони эшитилмайдир. Шахар марказидаги бу донгдор бино атрофида масжид йўк. Нарини махаллардаги омон колган масжидлардан кўрқибгина, титрабгина чиккан азон чакириги тўрт-беш хонадон деворидан аранг ошиб ўтишга курби етади. Донгдор бинода гунохлари нима эканини билолмай хайрон ётган махбуслар шом кирганини кичкина дарчадан тушиб турувчи нурнинг йўқолганидан биладилар. Озодликдан нишона бўлиб туюлувчи бу нурни хар тонг умид билан кутиб, тушкин ва эзгин кайфиятда узатадилар. Дарчадаги нур йўқолгач, кечлик овкат киритилади. Улар ўлимга махкум эканликларини сезишади. Очликдан ўлиб колмаслик учун, «конуний» йўл билан отиб ўлдирилишлари учун овкат ейдилар. Сўнг... бу бинода жонланиш бошланади. Аммо кишиларнинг дадил сўзлашишлари, хахолаб кулишлари бу иморатни кўкка кўтаргудек эмас. Бундаги товушлар ўзгача, бундаги ташвишлар бошқадир. Бунда дардли инграшлар хукмрон...

Бунда терговни кўпроқ тунда киладилар. Кундузи одам овлаш билан машгул бўладиларми ёхуд тухмат ва игво тошларини тўплашдан бўшамайдиларми - бу ёлғиз Яратганга маълум - хар холда терговга асосан кечаси чакиришади.

-Кадыри, на выход!

Айни чокда бошка эшиклар хам очилади:

-Сулейманов - Чулпан, на выход!

-Фитрат...

Гофил бандалар... Бу сўнги чакирик терговга эмаслигини кайдин билишсин? Улар «терговчи уни сўраса, бундай жавоб кайтараман...» деган хаёл билан кўлларини оркага килган муте бир холда юриб чикадилар. Улар билмайдиларки, сўроклари кеча якунига етган. Бу тун отиладилар. Эртага, тонг отгач эса... хукм ёзилади. Уларнинг киндик конлари турли жойларга, турли вақтда томган. Тугилган кунлари хужжат учун аник хам эмас... Фалон мучал, ўрик гуллаганда ёки хандалак пишигида тугилган... Аммо... ўлим топган кунлари аник - 4 ўктабр... Аммо 5 ўктабр деб расмийлаштирилади... Юрак конлари бир жойга тўкилади...

Буни билмайдилар, нима учун ховлига олиб чиқишгани хам улар учун номаълум. Дарича

тугул бирон тиркиши хам бўлмаган усти ёпик автомобилга чикиб, ёнма ён ўтиришади. Коронгида бир-бирларини танимайдилар. Сўзлашиш мумкин эмас. Чурк эта олмайдилар. Автомобил кабих манзилга етмокни истамагандек ихраб-сихраб секин юради. Текис йўл тугаб, ўнқир-чўнқирлик бошланади. Автомобил хар силтанганида, чукурга тушиб-чикканида мувозанатни йўкотадилар.

Нихоят, автомобил тўхтади. Эшик очилиб, коронгу ерга тутушиб кетган юлдузли осмоннинг бир парчаси кўринади. Уларни жарлик ёкаси сари бошладилар. Шунда улар бир-бирларини танидилар. Шунда бу ерга нима учун келтирилганларини англадилар. Осмондаги кемтик Ой ёругида кўзлар кўзларга тикилиб сўзлашади:

-Киши агар юз, агар минг яшаса хам охири ўлмак керак. Эслайсизми, «Бобурнома»да шоир:

*«Агар сад сол мони в-ар яке рўз,
Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз...»*

- деган эди. Яъниким, агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг хам, кўнгул очувчи бу касрдан кетиш керак бўлур. Биз учун бу касрдан кетмок вакти етубдур.

-Бу касрдан кетишимдан мен афсусда эмасман. Армоним шуки, бу хаётдан бизни ўз дўстларимиз кувдилар. Ахил-инок яшай олмадик. Биз-ку кетамиз, миллатнинг ахволи не бўлур? Кун келурмики, миллат иттифокда яшаса? Кун келурмики, коронгулик чекинса, офтоб чикса...

*-«Тилинган тилларга кон югургуси,
Бўшанган инларга жонлар киргуси.
Тиканли бокчалар чечак кўргуси,
Хак йўли, албатта бир ўтилгуси...»*

-Гаплашилмасин!

Хар эхтимолга карши айтилган буйрук эди бу. Хозир кўз кўзга тушиб, юрак юрак билан сўзлашмокда эди. Юраклар сўзлашувини хеч ким ман этолмас. Уларнинг жисмлари хибсда. Рухлари эса озодликда. Хозир ўқлар узилади. Бедор юраклар уришдан тўхтади. Жисм хаёт чогида агар юрак факат кон хайдаш билан банд бўлган бўлса, жон чикиши билан у хам ўлар. Агар юрак эл гамида, инсонлар гамида яшаган бўлса, бир ўк тегиши нима экан, кийма-кийма килиниб зарралари олам аро сочиб юборилса хам ўлмади, яшайверади. Милтиklarини ўклаганлар билишмайди бунини. Уларга буйрук берилса бас - тепки босилади... ўк хавода ўтли из колдириб бориб бедор юракка санчилади. Улар «махкумлар ўлди», деб изларига кайтадилар. Буларнинг кўлларига кишан уриб берган «дўст»лари хам «улар ўлди» деб ўйларлар. Уларнинг номларини ўчира бошларлар. Бирга

тушган суратларини йиртарлар. Кўпчилик бўлиб тушилган суратларда уларнинг кўзларига игна тикиб тешарлар... Булар милтик тепкисини босувчи, буйрук бажарувчи аскарлар эмас. Улар ўзларини доно фахмлайдилар. «Алвасти кўприк» деб аталувчи жар ёкасида милтик тепкиси босилувини кутаётганларнинг юраклари тоабод тирик қолишини ҳам билдилар. Била туриб ўзларини фахмламаганга оладилар. Йўк, улар бу юракларнинг ҳам жисмга кўшилиб тупрок остида чиришини истайдилар. Шукрки, факат истайдилар халос. Юракка кишан уриб беролмайдилар. Юракни чирита олмайдилар... Жар ёкасида турган махкумлар нималарни ўйлашди? Кўзларидан дарё-дарё ёш оқиб колган оилалариними? Ёки бу дунёдан аллақачон кўз юмиб кетган ота-оналари, биродарлариними? Балки Самарканд дарвозадаги шийпонда курган суҳбатларини эслашар?

-Асрнинг ўн еттисида онадан қайта хур бўлиб тугилдик, деб адашибми эдик?

-Бизки адашдик, фуқаро не қилар?

-«Халокат бўлишин билмай қулочни қатта отдим-қу...»

...Милтик тепкиси босилунига қадар бир неча нафас вақт бор...

-Мен «дўст»ларимизга ачинаман. Вақти келиб бизнинг ҳақ эканимиз ойдин бўлганида бу дунёда қандай бош кўтариб юрар эканлар? Балки Худо уларни тирик қолдириб, узок умр бериб жазолагандир?

-Киёматда юзма-юз бўлганимизда нима дейишар экан?

Тилга кўчган сўзлар шуларгина эди.

-Гаплашилмасин!

Буйруққа ҳожат ҳам йўқ эди.

Тепкилар босилди, ўлим ўқлари отилди.

Сўзлашмоқ киёматга қолди.

Уларга ҳеч қим аза очмади. Жаноза ҳам ўқилмади. Чунки уларнинг ўлимидан беҳабар эдилар. Хатто «дўст»лар ҳам беҳабар эдилар. Шунча қилган хизматлари эвазига қувониш бахтидан бебахра қолдилар, бечоралар...

Орадан йиллар ўтиб эса... билдилар. Аммо энди кеч эди. Қувонишга асос йўқ. Улар халқ душмани эмас, чин халқпарвар эканликлари маълум бўлди. «Дўст»ларни биров айбламади. Ўзларидан ўтгани ўзларига-ю, Аллоҳга маълум.

Байт:

*Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, чикса яхшилик била от. (Ҳазрат Навоидан)*

Уларнинг жисман махв этилганларига эллик олти йил бўлибди. Ўшанда ҳазрат Абдулла Қодирий қирк тўрт ёшда эканлар. «Ўтган қунлар» рўмонининг ёзилганига эса етмиш йил бўлди. Ёзувчи билан бирга асарга ҳам кишан урдилар. Асарни ҳам ўлимга махкум

этдилар. Хак йўлидаги асарни ҳеч қандай ҳукмдор ҳеч бир замонда махв этолган эмас. Абдулла Кодирий ҳам, у зотнинг асарлари ҳам тирик қолаверади.

Камина хизматкорингизнинг мақсади - «Ўтган кунлар» ҳақида уч-тўрт оғиз сўз айтиш эди. Гапни тўғридан тўғри шундан бошласам ҳам бўларди. Аммо Абдулла Кодирий ва унинг сафдошлари отилган кунни, онни эсламок зарур эди. Чунки уларнинг ўлимлари тасодифий эмас, улар охир-окибат шу жар ёқасига келажакларини билганлар ва бу ҳолни асарларига сингдирганлар.

«Ўтган кунлар» ҳақида балки юзлаб мақолалар ёзилгандир. Танкид қилинган, таҳлил этилган, мақталган мақолаларнинг айримлари билан танишман. Мен адабиётшунос олим эмасман. Таҳлилларга нўнокман. Мен фақат Абдулла Кодирийнинг муҳлисиман. Шу боис у мўътабар зотнинг асарларидан олган таассуротларимнигина баён қила оламан.

Абдулла Кодирий адабиёт оламида ўз мактабларини яратганлар. Мен шу мактабнинг бошланғич синфидаман. Фикрларим ҳам шу даражада - маъзур тутгайсиз.

Биз ўрта мактабда Абдулла Кодирий ҳаёти ва ижодини ўрганмаганмиз. Университетда ҳам ахборот тарзидаги маърузаларни тинглаганмиз. Ўрта мактабда «Гулнор (ёки Зайнаб, Фарход, Мажнун...) - чин муҳаббат эгаси», деган мавзуларда иншолар ёзганмиз. Фарзандларимиз эса «Отабек (ёки Қумуш, Анвар, Раъно...) - чин муҳаббат эгаси», деган мавзуда иншолар ёздилар. Олимларимиз нашр этган айрим мақолаларда ҳам шу ҳолни учратишимиз мумкин. Бу масалада уларга жиддий эътироз билдирмокчи эмасмиз. «Ўтган кунлар» рўмон тарзида (жанрида) ёзилган. «Ўтган кунлар»нинг пойдевори - Отабек билан Қумушнинг муҳаббати. Мен бу асарни шимолий уммондаги баҳайбат муз тоғига - айсбергга ўхшатаман. Маълумки, бу тоғнинг фақат чўкқилари кўзга ташланади, асосий қисми эса кўринмайди - сув остида бўлади. Ҳар бир улуг асарнинг улугворлигини, умрини ана шу кўзга кўринмас қисми таъмин этади, деб ўйлайман. Абдулла Кодирий кўлга қалам олганларида икки ёшнинг оловли муҳаббатинигина баён қилмокчи бўлганмикинлар? Агар мақсад шугина бўлса асар бу қадар улугворлик қасб эта олармиди? Ахир тарихимизда ишқий қиссалар қанча эдимиз? Эслик: Абдулла Кодирий адабиётга муҳаббат қуйчиси бўлиб кириб келмаганлар. Фикримизнинг далили учун «Жувонбоз» деб аталган ҳикояларини, «Бахтсиз қуяв» деб аталмиш пьесаларини ёдга олиш қифоядир. Шунга кўра айтмок мумкинки, ёзувчи адабиёт майдонига халқ гамида қуйиб-ёниб кириб келганлар. Халқнинг тақдирини, келажакни ўйлаб қайгурганлар. «Ўтган кунлар» ёзишга ҳам ана шу миллат қайғуси ундаган бўлса керак.

Байт:

*Юз жафо қилса манга бир катла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо юз катла фарёд айларам.
(Ҳазрат Навоидан)*

«Қумушни ўлдириб қўйдим», деб йиглаган эканлар. Назаримда ёзувчи Қумуш исмли гўзал жувоннинг ўлиmidан эмас, бошқа нарсадан қуйиб, йиглаганлар. Бу ҳақда бир ордан сўнг батафсилроқ мулоҳаза юритмокка уриниб кўраимиз.

Фикри оғизимча, «Ўтган кунлар»нинг биринчи ва охири жумласи асарнинг асл

мохиятини белгилайди:

«1269-инчи хижрия, далв ойининг 17-инчиси, кишки кунларнинг бири, куёш боткан, теварақдан шом азони эшитиладир...»

«...Ўзбек ойим кора кийиб, таъзия очди.»

Шу жумлаларни кўп ўйлайман. Нима учун киш куни? (Бахор ёки ёз эмас?) Нима учун атрофдан шом азони (бомдод эмас!) эшитилади? Айтмогингиз мумкинким, савдо ахли кундузи иш билан машгул, карвонсаройга шу пайтда кайтади, Отабекнинг хузурига келувчи меҳмонлар шуни назарда тутганлар. Шундай десангиз сизга яна бир саволим бор: улар бомдодда келувлари ҳам мумкин эдими? Ёки, Маргилон катта шаҳар эмас, Отабекни биронта растада кундузи учратмоклари ҳам эҳтимолдан холи эмасдир.

«...Теварақдан шом азони эшитиладир...» Балки бунинг рамзий маъноси бордир. Балки ёзувчи айнан шом азонини таъкид этганида факат намозга чакирикни эмас, бошка нарсани ҳам назарда тутгандир? Хар холда менга шундай туюлади. Шом - коронгулик босиб келишидан бир дарак. Далвда кечалар узун, ёруглик камрок бўлади. Шом азони юрт бошига ёпирилиб келаётган коронгилик, зулматдан огох этувчи дарак эмасмикин? Донишманд адиб «Хой мўъминлар, кўзларингизни очингиз, остонангизда ганим турибди. Иттифок бўлмас экансиз, ёруг кунларингиз узун тун кечаларига айлангусидир», демокчи бўлмаганмикинлар? Бу азон чакиригига эътибор берилмади. Ёзувчи азон чакиригини тилга олгач, унинг изидан «намоз ўқилди», демаганлар. Факат чакирикни баён қилганлар. Хужрадагилар эса ўз ишлари билан машгуллар. Бу ҳам ноиттифокликка бир ишорамикин? Асарда азон чакирилиши бир неча маротаба зикр этилади. Аммо бирон марта ҳам намоз тасвири берилмайди. Ажаб хол: азон чакирилгану ҳамма дунё ташвиши билан банд. Адиб «кора кунларнинг бостириб киришига диёнатсизлик сабаб», демокчи бўлмаганмилар?

Асарда нима учун Отабекнинг онасига «Ўзбек ойим» деб исм қўйилган? Ахир аёлларда «Ўзбек» деган исми қарийб учратмаймиз-ку? (Шахсан мен ҳеч эшитмаганман.)

Назаримда ёзувчи шу сўнги жумла учун ҳам «Ўзбек ойим», деб қўйганга ўхшайдилар.

...Ўзбек ойим кора кийди... Юрт хавфдан огох этувчи чакирикка эътибор бермади, хидоятдан чекинди ва оқибатда кора кийди, аза очди. Коронги тунларга кириб келди.

Юртнинг кора кийишига сабаб нима? Худоёрхоннинг харбий жихатдан колоклигимини? Йўқ! Халқ орасида тотувлик йўқлиги асосий сабаб бўлди. Ёзувчи тарихни тўғри англаб, тўғри тахлил қилиб, ўз хулосаларини дам очик тарзда, дам рамзлар орқали ифода қилганлар. Асарнинг дамтлабки бобларида ўқиймиз:

«Менимча ўриснинг биздан юкоридалиги унинг иттифокида бўлса керак,-деди Отабек,- аммо бизнинг кундан кунга орқага кетишимизга ўз аро низъоимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман... Орамизда бу кўркунч холатни баҳакки тушанадирган яхши одамлар йўқ, билъакс, бузгучи ва низъочи унсурлар томир ёйиб, хар замон содда халқни халокат чуқурига қараб тортадирлар... »

Диккат қилайлик: бу гапларни йигирма тўрт ёшли йигит – Отабек айтяпти. Мазкур сатрлар ёзилаётганда адиб ҳам тахминан шу ёшда бўлганлар. (Тахминан, дейишимизга сабаб шуки, асар ёзиш гоёси Абдулла Кодирийда эҳтимол шу ёшларида тугилгандир. Хар холда рўмон эълон қилинганда у зот ўттиз ёшларда бўлганлар. Отабек ва Кумушга ёш жихатдан яқин бўлганлари учун ҳам уларнинг дарду аламларини баён этишда бирга ёниб, бирга қуйгандирлар. Шунинг учун ҳам асарда ёлгон дард йўқдир?)

Отабек (нима учун «Ота» «бек», буни ҳам мулоҳаза қилмогимиз лозим.) - юртнинг келажаги. Лекин Отабек юртнинг келажагини ёругликда қўролмади.

«...Мозористонда «хайя ала-фалах» хитобини ким хам эшитарди...»

«...Ўз гарази йўлида истибдод оркали эл устига хукмрон бўлгувчилар йўкотилмас эканлар, бизга нажот йўқдир... »

Юрт мозористонга айланаёзган, шундай жойда «нажотга келинлар», деб минг бакиринг, ким ўрнидан туради. Ўликлар қандай нажотга келиши мумкин? Ёзувчи бунда жисман мурдаларни эмас, руҳи, миллий гурури ўлганларни назарда тутмадилармикин? Асар ёзилаётган дамларда 1937 йилда бошланган киргинга хали кўп йиллар бор эди. Лекин бўлажак фожиа бўронининг шабадалари эса бошлаганини ёзувчи сезганлар. Чунки Бехбудий ёки Мунавваркоридек миллат учун қайгурувчи маърифатпарварларнинг катл этилишлари яхшиликдан нишона эмасди. Яқин келажакда киргин бўлажagini билибми, «бузгувчи ва низоъчи унсурлар томир ёйиб» бораётганидан хавотирланадилар. «Бузгувчи ва низоъчи унсурлар»нинг томир ёйиши фақат Отабек яшаган давргагина эмас, балки ундан кейинги даврларга ҳам хосдир.

Ёзувчи асар бошланишида биз хозир «ижтимоий муаммо» деб айтаётган муҳим масалага эътиборни қаратадилар. Қора тунлар қаердан бошланишини кўрсатадилар. Сўнг бу муаммо гўё унутилгандай туюлиб, ишқий можароларга берилгандай бўладилар. Ишқий можаро ҳал этилгандай туюлгач эса яна ўша ижтимоий муаммога энди Юсуфбек хожи иштирокида қайтадилар. Кипчок киргинини, ундан Отабекнинг қандай ларзага тушганини таҳлил этмай турайлик. Асосий эътиборни Юсуфбек хожи сўзларига қаратайлик. Ёзувчи энди дардларини Юсуфбек хожи тилидан қозоғга тўқадилар:

«...Буродарлар! Ўрус ичимиздан чиқадирган фитна-фасодни қутиб, дарбозамиз тегида кўр тўкиб ётибдир. Шундай махшар қаби бир кунда биз чин ёвга берадирган қучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалонсан, деб қирилишсак, холимиз нима бўладир...

...Сиз ўз кипчоғингиз учун қабр қазиган фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадилар. Биз кипчокка қилич қўтарганда, ўрус бизга тўп ўқлайдур...»

Бунда кипчокка қабр қазилди, унда эса тобут тайёрланди. Узок йиллар қиримайдиган қилиб тайёрланди. Бунда биродарга қарши қилич қўтарилди, унда миллатга қарши тўплардан ўқ узилди... Бу энди тарихий ҳақиқат. Тарихни нима учун ўрганамиз, тарихий воқеаларни нима учун эслаймиз? Бошқа бир халққа нисбатан адоват уйғотиш учун эмас, балки вақтида йўл қўйилган ҳатоларни англаш учун, бу ҳатоларни такрорламаслик учун! Дастлабки ноахиллик босқин билан тугади. Кейингиси ўттиз еттинчи йил киргини билан... Ёзувчи ва у зотнинг сафдошлари шу ноахилликнинг қурбони бўлдилар...

Ўзбекнинг ховлиси қадимда иккига бўлинган эди. Ичкари ва ташқари. «Ўтган кунлар» рўмони ҳам шунга ўхшайди. «Ташқари» томони билан ота-бола сўзлари ёрдамида қисман танишдик. Энди «ичкари»га қарайлик-чи? Ўзбек оғимнинг қора қийишларига сабаб шу ичкаридан чиқар. Рамзаларни, ишораларни тушунмоққа уриниб қўрайлик.

Авалло Қумуш... Абдулла Қодирий уни суйиб-суйиб ёзганлар. Қумушни Отабек кўпроқ севар эдимиз ё Абдулла Қодирий севар эдиларми, деган муаммога мен хануз аниқ жавоб топа олмаман. Хар ҳолда Абдулла Қодирийнинг севгилари буюқроқ бўлгандир. Йўкса, Отабек Қумушни бу қадар ўтли муҳаббат билан сева олмас эди. Ёзувчи Қумушда фақат гўзал малакни қўрганмилар? Мен ўзимча ёзувчи Қумуш тимсолида гўзал Ватанни қўрганлар, деб ўйлайман. Қумушга бўлган севгилари Ватанга бўлган севгилари эди, деб ҳаёл қиламан. Қумушни биз дастлаб қўрганимизда у ҳаста эди. Ажабки ўшал замонда юрт ҳам ҳаста эди. Отабекнинг муҳаббати Қумушга далда берди, шифо берди. Агар юрт ўғлонлари Ватанга шундай муҳаббатда бўлганларида эди, Ватан ҳасталиқдан бош қўтарармиди...

«...кўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан арик ҳаракатга келиб чайкалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учинчи кайталаб юз ювишида бу фитна таги ҳам кучайди... »

Кумушнинг юз ювиши баёнида ҳам яширин маъно бормикин? Балки ёзувчи гўзал Ватан атрофидаги фитналарни айтмоқчи бўлгандирлар? Бу фитна фақат Кумуш замонасига хос эмас, ундан кейин ҳам давом этди. Ватанга эгалик қилиш учун бир неча мамлакат уринди. Ёзувчи шуларни назарда тутмадиларми экан?

Агар Кумуш тимсолида Ватанни назарда тутган бўлсалар, у холда Кумушнинг ўлиmidан изтиробга тушганлари, йиглаганларининг сабаби ойдин бўлар? Ёзувчи бир гўзал малакнинг ўлиmidан эмас, Ватан келажагининг захарланганидан кайгуга берилмадиларми экан? Кумуш ўлди. Аммо унинг ўгли тирик. Демак, Ватан келажагига умид бор. Ёзувчининг сўнги сўзидан маълумки, Ёдгорбекнинг бир ўгли шўролар томонида, иккинчиси ўша дамда «босмачи» дейилганлар томонида экан. Бунда ҳам рамз бордек кўринади. Ўша йиллари юрт ўғлонлари ҳам иккига бўлинган. Бир қисми болшевиклар гапига ишониб, улар томонга ўтишган. Бошқа бир қисми эса қарши бўлган. Замон акани укага ганим қилиб қўйган. Ёзувчи шуларни ўйлаб йигламадиларми экан?

Кумушнинг ўлими... Захарланиш... Бу турмушда учрайдиган оддий кундош рашки оқибатими? Юртни бошқарувчи хон ахли фуқарони бирдек кўрмади. Кипчок киргинига фатво берди. Юсуфбек хожининг йиглаб айтган сўзларини яна эслайлик. Отабек ҳар икки хотинига бир хил муносабатда бўлмай, рашқ ўтининг аланга олишига шароит яратиб бермадими? Хон фуқаросини уругга, қабилага ажратмай, иттифокка даъват этса, хатто куч ишлатса-да, тотувликни барқарор сақласа юрт ҳароб бўлармиди? Отабек Зайнабдан меҳрини дариг тутмаса, у Кумушга захар берармиди эди?

3

Асарга «ўзбеклар турмушидан тарихий рўмон» деб изоҳ берилган. «Севишган қалблар ҳақида» ёки «Мухаббат фожеалари»... эмас, айнан «ўзбеклар турмушидан», айнан шом азони чақирилган дамдаги турмушидан. Шунинг ўзиёқ бизни айсбергнинг қуйи қисмини ўрганишга даъват этади. Бу вазифани таъбир жоиз бўлса, бир ҳамлада уддалаш мумкин эмасдир. Яъни бир мақола ёзиш билан уддалаб бўлмайди. Ҳамонки, сиз мухтарам ўқувчининг диққатини жалб этишга киришган эканман, яна айрим қирраларини айтиб ўтишим зарур.

Рўмонда ортикча тасвир, баён йўқ. Мен ҳар гал уни қўлга олганимда шуни ўйлайман. Асардан тушириб қолдириш мумкин бўлган жойни қидираман. Ёзувчи ёш, бунинг устига биринчи йирик асари, ҳаяжонга берилибми ё тажрибасизлик қилибми кераксиз саҳифаларни ёзгандир деб ўйлайман. Бир сафар уста Алимнинг хикояси гоят чўзилгандек туюлди. Сўнг шу хикоя олиб ташланса нима бўларди, деб ўйладим. Кейин фикрлаб кўрсам, ёзувчи буни шунчаки хикоя сифатида ишлатмаган эканлар. Саодатнинг ўлими фақатгина уста Алимнинг қайғусини бериш учун олинмаган. Саодат ой-қуни яқинлашганида қийналиб ўлди. Ана энди Кумушнинг ой-қуни яқинлаган дамларини ва Отабекнинг ҳавотирларини эслайлик. Ёки Хомиднинг Сайфиға (Саодатнинг укасиға)

ёмон назар, бузук ният билан караши окибатида уста Алимнинг янги дўкон куриши, шу бахонада Фарфининг келиши баён этилган саҳифаларни варақлайлик. Тугуннинг ечими шу саҳифаларда бошланмайдими? Демак, уста Алимнинг хикояси асарнинг икки муҳим нуктасида иш беради.

Абдулла Кодирий асарларида ҳар бир жумланинг ўз хизмати бор. Асарнинг «Инкилоб» бобидаги бир жумлага эътиборингизни тортай: Азизбек халққа узр айтганда, узри қабул бўлмайди. Унга қарши айтилган гаплар орасида шундай жумла бор: «Ханжарингни хайф кўриб маҳаллаларга чаён солиғи солган, оғаларимизни чаён захари билан ўлдирган ким эди?» Мен неча марта ўқисам, шунча марта бу жумлага етарли эътибор бермабман. Аммо биродаримиз Рустам Тожибоев бу жумлага эътиборни қаратиб, кичик илмий тадқиқотни амалга оширибдилар. Тарихий асарларни ўрганиб, Тошкент ҳоқими Азизбекнинг чиндан ҳам маҳбуслар устига чаён ташлаб қийнаб ўлдиргани, аҳолига чаён солиғи солгани, одамлар паҳса деворларни бузиб чаён қидиришга мажбур бўлганларини аниқлабдилар. Қаранг, биргина жумла фақат Азизбекнинг ярамас қилиқларини баён эта қолмай, балки тарихий бир ҳақиқатни ҳам ўзига сингдирган.

Ёки... асар бошларидаёқ Хомиднинг шакли-шамойили, феъл-атворининг тасвирига алоҳида эътибор берилади. Хомид - ўттиз беш ёшлардаги кўримсиз одам. «...унинг шухрати нима учундир бойлиги билан бўлмай «Хомид хотинбоз» деб шухратланган». Холбуки унинг иккита хотини бор. У замонларда кўпхотинлик айб эмас, суннат саналган. Нима учун Хомидга «хотинбоз» лақаби тиркалди, Мирзакарим қутидорнинг кизи ҳақида гап кетса нима учун «Хомиднинг чехраси бузилди... бир турли вазиятда жиянига қаради... Юзидаги бояғи ҳолат яна ҳам қучланиб...» тоқатсизланди? Бу ҳолатлар баёни бекорга тилга олинмагани кейинроқ бориб маълум бўлади. «Бу қунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўймаган» Хомиднинг хотинни ўчта қилиш ўйи борлиги ҳам бекорга айтилмаган. Чунки ўчинчи хотин унинг ўйича - Қумуш бўлиши керак эди. Хомид мақсадига эришмоқ учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Хомид ўттиз еттинчи йилдаги «ҳолис хизмат қилувчи» «дўст»ларни эслатмайдими? Асарда Хомид енгилган эди, ҳаётда эса...

4

Асар нималари билан диққатга лойиқ? Энг аввало лутфи билан, қаҳрамонларининг одоби билан, шундай эмасми? Бир жумлага эътиборни қаратайлик: Раҳмат Отабекка қараб: «вақтсиз қелиб сизни тинчсизладик», деганида Отабек: «...тинчсизламадинглар, билакс, қувонтирдингизлар... шаҳрингизга биринчи марта қелишим бўлгани учун танишсизлик, ёлғизлик мени зериктирган эди», деб жавоб қилади. Шу ўринда «биринчи марта қелишим», деган сўзларга диққат қилайлик. Отабек бу ерда шунчаки эмас, биринчи марта қелгани учун зерикди. Агар шунчаки зерикдим, деса мезбонларга малол қелар, балки уларга маломат, гина бўларди. «Шаҳрингиз зерикарли экан», деган маъно ҳам чиқарди. Отабек бу ерда ҳам лутф қилди, ҳам унинг Маргилонга биринчи қелиши ўқувчига маълум бўлди. Ёки Отабек Хасаналига иш буюришдан аввал «тузукмисиз ота?» деб аҳвол сўрайди.

«- Баъзи ишларни буюрсам...

-Буюрингиз, ўғлим.

-Раҳмат ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб берсангиз-чи.

-Хўб, бегим...»

Шу қисқа савол-жавобда одобнинг олий чўккиси кўринган. Отабек Хасаналига «ота», деб мурожаат қилганида у «ўғлим», деб жавоб берди. Отабек иш буюрганида эса «бегим», деди. Бу ерда фақат Отабекнинг лутфи эмас, Хасаналининг одоби, зийраклиги, фаҳми ҳам акс этган. Ёки, «бу киши кимингиз бўлади?» деган саволга Отабек дарров жавоб бермайди. «Хасаналини хужрадан узоклатиб, сўнгра жавоб берди: - кулимиз».

Отабек бу ўринда тўғридан тўғри шундай деганида Хасанали ранжимас эди. Чунки у куллигини унутган эмас. «Хўб, бегим», дейишининг ўзиёқ бунга далил. Отабек исломий одоб эгаси бўлгани учун ҳам Хасаналини хужрадан узоклатиб айтди бу гапни.

Сўз ислом ва иймон ҳақида борар экан, айтмоқ жоизки, асарда иймонлилар (Отабек, Юсуфбек хожи...) ва иймонсизлар (Ҳомид, унинг шериклари, Азизбек) кураши мавжуд. Ёзувчи фалончи иймонли, фалончининг иймони сушт, деган сўзни ишлатмайди. Буни қахрамонларнинг сўзлари, ҳаракатлари аён этиб туради. Ҳаётда чин мусулмон бўлиш, мустаҳкам иймон эгаси бўлиш жуда оғир. Намоз ўқигани билан дарров иймонли бўла қолмайди одам. Ҳомидлар, азизбеклар ҳам ўзларини мусулмон санашган, намозларини ўқишган, аммо иймондан узок бўлишган. Балки ўттиз еттинчи йилда дўстларининг қўлларига қишан уриб берганлар ҳам ўзларини мусулмон санашгандир. Балки кейинроқ гуноҳларини англаб, тавбалар қилишгандир... Балки...

Байт: Чанд боши зи маосий мазакаш,

Тавба ҳам бемаза нест би чаш.

(Маъноси: Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан, тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр. «Бобурнома»дан)

5

Ва ниҳоят, катагоннинг умри тугади. Ёзувчининг номи окланди, асарлари хибсдан озод бўлди. Қарийб йигирма йил Абдулла Қодирийнинг асарларини қўлга олиш ман этилди. Бу асарларни ўқиганлар жазога тортилди. Гуноҳдан кўркмаганлар китобларни ёқиб юбориб, жон саклашди. Қўпчилик эса китобларни сандикка солиб, ерга қўмди. Қўшсинч девор орасига олиб суваб ташлади - ёқиб ташлашга қўнгли бўлмади. Айримлар эса ҳеч нарсадан кўркишмади. Сакланиб қолган китоблар қўлма-қўл бўлиб ўқилаверди.

Ҳақиқат рўёбга чиқа бошлагач, Абдулла Қодирий ижодига муносабат ҳам ўзгарди. Иззат Султон биринчилардан бўлиб ёзувчи ижоди ҳақида мақола ёздилар. Ва... танкидга учрадилар. Абдулла Қодирий ижодига ҳаддан ташқари юқори баҳо беришда айбландилар. «Ўтган кунлар» Сарвар Азимов таҳрири остида китоб ҳолида нашр этилди. Нашрга жузъий ўзгартиришлар киритилди. Айрим жумлалар қискартирилди. Ҳозир, орадан қирк йил ўтиб, бемалол эркин фикрлашимиз, кимнидир, ниманидир айблашимиз осон. Шунини унутмайликки, эллигинчи йилларнинг ўрталарида бир дохий ўлгани билан тузум яшамокда, тузум янги дохийни минбарга қўтармоқда эди. «Социалистик реализм», «миллий масала», «коммунизм»... деган тушунчалар аввалги дохий даврида қандай

бўлса, кейин ҳам ўша холда кун тартибида турар эди. Яъни тузум иморати сакланган, факат у ер бу ердаги кўчган сувок ўринлари кайта сувалаётган эди. Бу - биринчидан. Иккинчидан, Абдулла Кодирий ва унинг дўстлари кўлларига кишан уриб берганлар хаёт эдилар. Улар айбларини бўйинларига олиб, осонликча чекина олмасдилар. Шунга кўра асарни асл холича чиқариш имкони у даврда йўқ эди. Бир неча жумла олиб ташланмаса, асар бутунлай чикмасдан қолиши мумкин эди.

Хар нарсанинг вақти, соати бўлганидек, «Ўтган кунлар» ҳам вақти келиб, асл холича, ёзувчи хаёт эканликларидаги нашрга асосланган холда китоб килинди. Бу ишни ёзувчининг набиралари, Хабибулло Кодирийнинг ўғиллари Хондамир Кодирий амалга оширди.

Алқисса...

«Ўтган кунлар» етмиш йил умр кўрди. Етмиш йил азобли, укубатли умр кечирди. Етмиш йил бу асар учун синовли йиллар бўлди. Асар синовдан ўтди. Абадият мартабасини олди...

Маъзур тутинг, сўзим бир оз чўзилди. Мен илмий макола ёзишга даъвогар эмасман. Асарни ўқиганда кўнглимдан кечган фикрларни баён қилдим. Абдулла Кодирий ижодини ўрганиш бўйича олимларимиз анча иш қилишган. Қилинган барча ишларни «дебоча» десам ранжимаслар. Хорижда суюкли ёзувчилари ижодини ўрганувчи махсус институтлар бор. Бу институтлар хар йили ёзувчи ижодига бағишланган китоблар, журналлар чиқаришади. Пушкин вафотидан кейин унинг ижодини ўрганиш билан шугулланган олимлар сони саналса шоир яратган шеърий сатрлар саногидан ҳам кўп бўлса эҳтимол. Шоир ижодига бағишланган китоблар тахлаб чиқилса, Кремлдан ҳам баландроқ бўлар...

Шуларни мулоҳаза қилиб ҳам ишларни «дебоча» дедим.

Худога шукр, Абдулла Кодирий музейи барпо этилди. Энди илмий кучлар шу музей атрофида тўпланса, келажакда «Кодирийшунослик институти» ҳам вужудга келар. Яхши ният - ярим мол. Яхши ният қилаверайлик.

1994 йил.

Изох: Мазкур макола «XX аср ўзбек романи» туркумида «Шарк» нашриёт-матбаа концернининг Бош тахририяти чоп этган «Ўткан кунлар» китобига сўнгсўз сифатида ёзилган эди. Макола сўнгида яхши ният қилиб эдик. Бу ният умрини яна узайтирамиз шекилли. Чунки айтганимиз «Абдулла Кодирий музейи» ташкил этилди-ю, бир неча ойга бормай, хатто қаддини кўтаришга улгурмай йўқ бўлди. Адабиёт муҳиблари бу аччиқ ҳақиқатни билиб қўйишларини лозим деб топиб, мазкур изохни баён қилдик. (2006 йил.)

Ибрат мактаби

(иккинчи макола)

Калам ахлининг пирларидан саналмиш Абдулла Кодирийнинг махоратлари хакида гап айтишга камина томонидан уриниш бўлиб эди, энди янгирок фикр баён килиш масъулиятини зиммамизга юклаб, кўлга калам олмокка яна журъат этдик.

«Куёш бутун коинотга нур таратгани каби, унинг хазинаси ҳам тўккиз кават осмонни тутиб кетгандир. У жахон ахлига шундай маънолар тўкканки, у хазиналар ўлмас ва абадийдир... Унинг коинот кадар кенг ва юксак табиатида осмон юлдузлари каби бекиёс маъно дурлари мавжуд. Бу осмонда мавкеи хуршиди тобондек бўлиб, у таратган нур оламда абадий сўнмайди. У ўзининг нур сочувчи каламини тарашлаб олганда куёшнинг юзига ажин тушган... Калами гавхар сочувчи бу шоир ўз сўзларини когозга ёзган эмас, йўк, зар сочувчи куёш бунга осмондан зарварак сочиб турган...»

Ўкиганингиз бу сўзлар хазрат Алишер Навоий байтларининг бугунги насрий тилга кўчирилган маъноларидир. Низомий Ганжавий хазратлари улугланган бу сатрлар билан Абдулла Кодирийни шарафлашни лозим топдик. Чунки пир даражасидаги устозни мадх этиш учун ҳам махорат керак. Бизнинг айтар мадх сўзларимиз эса денгиз юзига бир чизик тортган кабидир. Зотан, кўп катори камина ҳам устозларнинг маъниларида бахраманд бўлиб юрган шогирддир, холос.

Улуг адиб ижодий мерослари хусусинда сўз ёзиш эhtiёжининг тугилишига нима сабаб бўлганини баён этай: хазрат Алишер Навоийнинг «Муншаот»ларида шундай рубоий бор:

Атодин хато келса кўрма хато,
Савоб бил, хато килса доги ато.
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин куткаргай Худо.

Хамонки, «Устоз - отангдек улуг», накли мавжуд экан, мазкурни «Устоздан хато келса кўрма хато...» кабилида талкин килмогимиз ҳам мумкин бўлар. Тўгри, устознинг мавкеи канча улуг бўлмасин, Аллох хузурида ожиз бандадир. Хатодан, гунохдан холи эмасдир. Айтган, ёзган сўзлари ҳам банданикидир, шу боис мутлак хакикат эмасдир. Аммо бу хатоларни излаб топиш, карнай чалиб элга овоза килиш одобдан эмас. Гап шундаки, Абдулла Кодирийнинг беназир хисобланмиш боғларидаги меваларга нисбатан нохолис, баъзан нолайик фикрларни ҳам эшитиб қоляпмиз.

Абдулла Кодирийнинг адабий тил борасидаги махоратларини дурлар хазинасига киёслашимиз мумкин. Адибнинг хикоялари, фелъетонлари, хажвияларини ўкиганингизда, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Тошпўлат тажанг билан Калвак махзумнинг сўзлари бир-биридан тубдан фарк килади. Ёзувчи «Овсар» тахаллуси билан бир фелъетон ёзса, «Думбул» тахаллусида ёзилган хангамадан фаркланиб туради. Билмаган одам бу икки асарни икки одам ёзган, деб ўйлаши ҳам мумкин.

«Кара-кара, Махкам! Дўндук экан-ку, анавинг. Суяги борми, а? Бир пиёла чойимиз бор, хов! Итдан тукканинг карамади-ку... Хай ким, Салим каварнинг боласи эмасми, тўлишибди ўзиям. Сартарош хожи кўриб колса, «ўлди», дегин. Бодом ковок, юпка томок,

додимга етсанг-чи... Хой-хой...» - Агар бу сўзларни мадраса кўрган Калвак махзум айтяпти, дейилса, ишонмайсииз. Тўгри, Калвак махзум ҳам аёлларга қарайди, кўнгли сус кетади, аммо у «Бир пиёла чойимиз бор», демайди, шундай эмасми? Буни факат чапани Тошпўлат айтиши мумкин. Калвак махзум эса ўн икки яшар кизчани кўрган махалида сўрайди: «Отин ойинг борми?» «Бор.» «Отин ойингнинг эри нечта?» Мазмуни отин ойиси огзини пишиглаб кўйган шекиллик, жавоб бермай, ерга қаради. Мен ҳам сўзимни айлантирмай, ичимдан «етти-саккизта бордир», деб ўйладим. Кизи тушкур жажмондеккина экан, хайфки, бузилган-да... «Ўруснинг «Инжил»ини ўқиябсанми?» - деб сўраган эдим, бунга ҳам жавоб бергуси келмади. Энди ўзига яраша гапдан гапурай, деб сўрадим: «Эмчагинг олмадек бўлуб колубдур, ўйнашинг ҳам борму?» Кизи тушкурнинг хали китик пати ўлмаган экан, юзини чирт ўгуриб: «Ху, соқолинг кўксингга тўкулсун!» - деб қаргади ва йўлига югуриб кетди...» Кўриниб турибди-ки, икки одам - икки олам. Хар бири ўзига хос сўзлар билан ўз киёфасини чизади. Ёзувчи фалончи ундай одам, пистончи бундай деб, таъриф у тавсифлар бермайди.

«Жулкунбой» имзосида берилган «Кимматчилик хасрати» ёки «Думбаси тушиб қолган эмиш» хажвиялари эса бошқаларидан тамоман фарқ қилади. Ундаги захарли кулгуни, кинояни «Овсар» ёки «Мазлум» бу тарзда айта олмайди. Жулкунбой кимматчиликдан кийналаётган ўз оиласини бундай тасвирлайди: «...ош-нон емоқдан бошқага ярамаган бир чол отам ила бир кампир онам, ёлғиз сўз сўйлаш ила ош пиширишга яратилган бир хотунум бор. Кўчага юз қарра чикиб, хар уйга қирганида «Ойи, нон бер!»ни ўзиники қилиб олган бир кизим, топганини кўчада чиким қилиб, эрта-кеч маним овқатимга шерик бўладирган бир иним бор. Булардан ташқари таги бир яшар ўғлим бўлса ҳам, Худога шуқур, хали тиши чикганича йўк...» Бир неча жумлада оила аъзоларининг феъл-атворлари мохирона қизилди. Бир яшар ўғилнинг хали тиши чикмаганига шуқур қилиниши эса ахволнинг накадар оғир эканини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда ёзувчининг «Ўқиш - ўрганиш» сарлавхали мақоласига диққатни тортишни истардим. Адиб унда рус ёзувчиси Антон Чехов махоратини тахлил қилдилар. Айни тахлилни биз Абдулла Қодирий хажвига нисбатан ҳам ишлатишимиз мумкин. Демокчимизки, махорат бобида Абдулла Қодирий ўзлари шарафлаган зотлардан ҳеч бир қам эмаслар. Адиб Чеховни устоз ўрнида кўрган эканлар. Бу «Ёзишни Чеховдан ўрганган», деган гап эмас. Жуда кўп одам Чеховни ўқиган, жуда кўп одам уни устоз деб билиб, интилган. Бирок, Абдулла Қодирий даражасига етиш барчага ҳам насиб этавермаган. Бу ўринда гап Чеховни устоз деб билишда эмас, гап - Худо берган истеъдодда! Ундан ташқари ўзбек адабиёти равақини Европага боғлайтириш фикридан сал узоклашиш ҳам керак. Худога шуқур, йигирманчи аср ўзбек адабиёти қасри бошқа жойларга ўхшаб қуруқ саҳрода бунёд этилмади. Бу қаср бир бўстон бағрида қарор топди. Ўтмиш замонларни лол қолдирган, бугунга қадар ўз махобатини йўқотмаган мумтоз адабиётимиздан Европа ўрганган эди. Совет даврида Шарқни ўрбдан паст кўриш анъанаси бизнинг барча ютуқларимиз омилини Европага боғлади. Тўгри, Европа маданиятининг, хусусан адабиётининг ижобий таъсирлари бўлди, буни инкор этиш дуруст эмас. Аммо, айтайлик, хажвни ёзувчиларимиз Чеховдан ўрганган, дейиш ақлга сиғадиган гап эмас. Чунки мумтоз адабиётимиз тарихидан хажвни ўрганишга лойиқ ажойиб асарларни истаганча топишимиз мумкин. Афсус билан айтишимиз мумкин, ҳозирги авлод мумтоз адабиётимизни яхши билмайди. Абдулла Қодирий ва унинг замондошлари эса бу соҳада ҳам бекиёс бўлганлар.

Абдулла Қодирий кескин ўзгаришлар замонида яшадилар ва жамиятнинг нурли йўлда

тараккий топишини истадилар. Ижодлари ҳам шу истак йўлида бўлди. Устоз замондошлари, фикрдошлари - жадидлар каторида жамиятнинг таназзулини илмсизликда кўриб бидъат ва хурофотга карши аёвсиз курашдилар. Ўша замонда ҳам, афсуски ҳозир ҳам бу ҳаракатни айрим биродарларимиз нотўғри англайдилар, факат Абдулла Кодирийдан эмас, барча жадидлардан норози бўлиб, «улар динга тош отишган», кабилида сўз айтадилар. Уларнинг назарларида барча жадидлар, жумладан Абдулла Кодирий ҳам, шаккок, фосик, мунофик... Такалаётган бу айблар «Уламо» жамияти вакилларининг даъволарини эслатади. Уларнинг фатвоси билан айрим зиёлилар эшакка тескари ўтказилиб сазойи килинган эканлар. Жадидларнинг, хусусан Абдулла Кодирийнинг асарларини синчиклаб, жиддий равишда ўрганган одам бу даъволарнинг бекорчи эканига гувоҳ бўлади. Абдулла Кодирий ҳеч қачон динга шак келтирмаганлар, аксинча динни никоб килиб бемаза ишлардан қайтмайдиган диндорлардан юз ўгирганлар. Шу нуқтаи назардан қаралганда адиб диннинг покизалиги учун жон қуйдирганлар. Кани ўйлаб кўрайликчи, динга қим қўпроқ зарар келтиради - кофирми ёки Қалвак махзум, Совунак қорига ўхшаганларми? Кауфман ўлганида фотихага келиб «Таборақ» сурасини ўқиган эшонни нима дейиш мумкин? Ёки «подшоҳ император хазрат Николай»нинг номини жумъа хутбасига қўшиб ўқиган имомларга нима демок лозим эди? Жимгина ўтиравериш лозимиди? Бидъат ва хурофотга карши сўз айтмакни динга карши сўзламак, дегувчи нодондир. Кани, атрофимизга бир боқайликчи, ҳозир Совунак қори, Мағзава қорига ўхшаганларни кўрмаймизми, жаҳолат ботқоғига ботган, бидъат ва хурофот томоғидан бўғиб турган қимсаларни-чи? Динда асоси бўлмаган, динга ёқимсиз бўлган одатлар ҳақида ҳозир ҳам гапирилса айрим домлаларимиз сал оларок қараб қўядилар. Шунда «Битта Жулкунбой етишмаяпти-да», деб армон қиламиз.

Йигирманчи йиллар матбуоти тарихи ҳақида сўз юритилса албатта Абдулла Кодирий билан ўзи Юнуснинг ўзаро бахслари тилга олинади. Баъзи ҳолларда бу бахс шахсий адоват махсули эди, деган нотўғри ҳулоса ҳам баён қилинади. Мақолалардаги киноя, аччиқ пичинглар эҳтимол шу тушунчаларни уйготар. Аслида эса ундай эмас. Қузатишимизча, ўша давр матбуотининг услуби шундай эди. Абдулла Кодирий ўзи Юнус билан самимий дўст бўлганлар ва бу бахсдан олдин ҳам у кишининг номини тилга олиб бир неча марта очик хат ёзганлар, танқид ҳам қилганлар. Лекин ўртада гина-қудурат бўлмаган. Ишонч билан шундай дейишимизга сабаб, ўзи Юнуснинг ўғиллари Тўлқин ака қамонага оталарининг уйда хибсга олинишлари тафсилотини сўзлаб берган эдилар. Ўзи Юнус эшиқдан чиқар чокларида «Абдулла ақанганикига югур, эҳтиёт бўлсин», деган эканлар. Шахсий адоватдаги одам бундай меҳрибончилик қилмайди, шундай эмасми? Ўзаро бахснинг сабаби эса «Муштум» журналинини яхшилаш масаласида бўлган. Хар икки томон ҳам ҳажвий журналнинг савияси баланд бўлмоғини хоҳлайди. Абдулла Кодирий кўпроқ қулги бўлишини истайди, Гоzi Юнус эса жиддий танқид тарафдори. Хар иккови ҳам мутахассислар, хусусан ҳажвчи рассомлар етишмаслигидан қуйинишади, чора излашади.

Абдулла Кодирий ҳақида ёзилган кўп мақолаларда у кишининг 1926 йилдаги судда, кейинроқ у кишига карши гоъвий ҳужум қучайган пайтда мажбуран, тил учида айтган гапларига асосланиб, партиявий ақидада мустаҳкам чинакам совет ёзувчиси сифатида таърифлаб келишди. Шўро замонида нисбатан муносабатини адиб ўзининг ҳажвияларида кўрсатиб қўя қолганлар. У замонга киноя билан «диёри бакр», яъни покиза диёр деб ном бериб, бу тоза диёрнинг аслида қандай шалтоқ эканини турли

услугларда таъриффу тавсиф килиб бердилар.

Абдулла Кодирий ёзган хар бир жумла калам ахли учун бир мактаб. Афзал томонлари хам, заиф кўринган жихатлари хам зехн билан тахлил килиниб ўрганилади. Хар кандай асарда сиз билан бизнинг кўзимизга камчилик бўлиб кўринган бирон воқеа баёни ёки жумла, хатто биргина сўз аслида шу асарнинг хуснидир. Шеъриятда мажоз санъати мавжуд бўлганидек, насрда хам рамзий маъноларни ўзига яширган сатрлар, саҳифалар бўлади. Билган одам денгиз тубидаги чиганокни кўриб «Ха, энди бу арзон-гаров садафда», деб ўтиб кетавермайди. Чиганок паллалари ажратилса, гавхар кўринади. Устоз адибларнинг асарларидаги сўз гавхарлари хам шундай.

Русларнинг улуг адиби Лев Толстойнинг хикматли гапи бор: «Хамма нарсани ўқийвериш ярамайди,- дейди у.-Дилда тугилган саволларга жавоб бера оладиган китобларнигина ўқиш керак.» Яна бир донишманднинг фикри ибратлидир: «Модомики, хаёт жуда киска, бўш вақт эса жуда оз экан, биз уни саёз китобларни ўқишга исроф этмаслигимиз керак», дейди у. У ёки бу асарнинг саёз эмаслигини аниқлаш осон эмас. Бунинг учун кизикарли воқеа баёнигагина диққат қилмай, шошилмасдан, хар бир жумланинг маъносига тушуниб ўқиган маъкул. Бирон савол тугилса, асарнинг бирон ери хато туюлса хам жавобни бошка бировдан эмас, айнан шу китобнинг ўзидан топишга интилган афзал. Садафдан кўз камашмай, гавхарни излаш жоиз. Устозларнинг чуқур мазмунли асарлари алдамайди: сизга маъно гавхарларини тортик этади. Шарк мумтоз шеъриятида бундай гавхарларни кўп учратамиз. Мавлоно Жалолиддин Румийда бир маснавий бор:

Шубхадан ким бўлди менга ёрлар,
Ич-ичимдан изламас асрорлар.

Мавлоно демокчиларким, «хар ким ўз шубха-гумони боисидан менга дўст бўлди, ботиний сир-асроримни кидирмади. Мен инсонларга насихат қилгудек бўлсам, улар: насихатни англадик ва сўйлагувчи орифга дўст тутундик, дейишади. Баъзи инсонлар сўз ва фикран сўйлашади. Аммо хакойик ва асроримни изламайдилар. Сўзларимда яширин бўлган маънолар хақиқатини англамок учун феълан кодир эмаслар...»

Аввал айтганимиздек, назмдаги гавхарларнинг насрда хам мавжудлиги асосан шаркка хосдир. Мухаммад Авфий саккиз аср мукаддам тартиб берган ибратли хикояларни ўқиган киши, бу жумлаларга эътибор бергандир:

«...Сендан илгари хам кўп кишилар ушбу жомдан айрилиқ майини ичиб, охирида сабр либосини кийганлар.»

«...Кўлим ва калбим дилдор огзи каби тор, чўнтак эса худди ёрнинг хипча белидек нозик ва ингичка эди.»

«...Вахм ва кўркув мендан устунлик килиб, уйку кўз зиёратига келмасди.»

«...Подшоҳларнинг отган ўқлари хамма вақт хам нишонга тегавермайди, икбол ариги хамма вақт хам тўла оқавермайди.»

«...Ишк ўти сабр вилоятини хароб килибди.»

Европа ёки Лотин Америкаси адабиётида бу каби латифлик йўк, десам, балки кимдир фикримга кўшилар. Балки бошка кимдир бу латифликни чучмаллик фахмлаб, хозир

адабиёт бошка, хозир лўнда ифодалар замони деб инкор килар. Биз улар билан хамфикр бўлмаймиз, маъзур тутгайсиз.

Юкорида келтирилган мисоллардан мурод шуки, Абдулла Кодирий асарларини синчиклаб ўқисак, шу каби латиф тасвирлардан бехисоб даражада бахраманд бўламиз: «Кумушбиби хомуш эди. Бир нарса тўгрисида ўйлармиди ёки бош огригиси кучликмиди, хар холда намозшом гул каби ёпик эди.»

«Юсуф савдосида бекарор Зулайхо исмидан, Мажнун ишкида йиглаган Лайли отидан - сизга бошимдаги сочларимнинг тукларигача бехад салом. Мендан - хадду-хисобсиз гуноҳ, сиздан - кечириш.»

«- Ажаб киламан,- деди Кумуш ва шапалоги билан эрининг юзига секингина уриб кўйди. -Бу ёкка хам...

-У ёкка Зайнаб урсин.

-Зайнабнинг... уришка хакки йўк...»

Бу сатрларга кўп маънолар яширинган. Шулардан бири - Кумушнинг дилида коронгулик йўк. Рашк бўлса-да, уни жиловлай олган. Кундоши билан иттифокликда умр кечириш максоди бор. Дастлаб Зайнабда хам шу тилак мавжуд эди. Хўш, у холда Зайнабни захар солишга нима мажбур этди? Рашкми? Ёки бошкаларнинг гиж-гижлашими? Бизнингча асосий сабаблардан бири баён этилган сатрда: «Зайнабнинг... уришка хакки йўк.»

Отабекнинг шу аҳди окибатда Зайнаб кўлига захар тутказмадимми?

Кумуш мактубида «сочларимнинг тукларигача бехад салом», деб ёзгпти. Бир карашда «туклар» сўзи ноўрин, кўполрок туюлар. «Сочларим толалари», дейилса балки латифрок бўлармиди? Йўк, бўлмасди. Ёзувчи «тола» сўзини эсдан чиқаргандир, деб ўйлаш хам ноўрин. Бунда «бехад» сўзига эътибор бермок жоиз. Бехад - яъни чексиз-чегарасиз. Соч толалари кўзга кўриниб туради. Аммо бошдаги майда тукларни кўз илгамайди - толалардан хам кўпрок бўлиши мумкин. Юборилаётган согинч саломи ана шундай акл бовар килмас даражада, дейилмокчи.

Ёки: «...шу вақт кўрпани кайириб ушлаган ок нозик кўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста кўли билан кўндирилган кора холини кашиди ва бошини ёстикдан олиб ўлтурди», деган жумладаги «кашиди» сўзи латиф баёндаги дог каби кўриниши мумкин. Балки «силаб кўйди» ёки «сийпади», дейилгани кимгадир маъкул кўринар. Йўк, азизлар, яна бир ўйлайлик: силаш, сийпаш, кашиш - бутунлай бошка-бошка холатларни англатади. «Ишшайди», «жилмайди», «кулимсиради», «тиржайди» сўзлари киши холатини баён этишда бир-бирининг ўрнини боса олмагани каби юкоридагилардан хам маънодош сўз сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Диккат килайлик: адиб «кашлади» эмас, «кашиди» деб ёзгпти. Чунки «кашлади» янада ўзгачарок холатни, сиз билан биз ўйлаётгандек кўполрок маънони англатган бўларди. Ёзувчи тасвиридаги гўзал киз шунчаки юзини, кулоги ёки бошини эмас, холини кашиди. Яна кандай хол денг, «латиф бурнининг ўнг томонида табиатнинг ниҳоятда уста кўли билан кўндирилган кора хол». Энди холдор одамлардан сўраб кўринг, хол кичишган чокда шунчаки силаб кўйиш билан кифоя килинармикин. Айни тасвирда эса ёзувчи хаста Кумушнинг табиатига хос холатни бергпти.

Бугунги китобхон жахон адабиёти билан яхши таниш: Жек Лондон, Кафка, Платонов, Маркес, Кортасар, Камю... асарларини севиб ўқийдиганлар, улардан хам маъно дурлари терадиганлар кўп. Бу одат факат тахсинга лойик. Балки зукко китобхон ўқиганларини бир-бирларига таккослаб кўрар? Бу одатни кўп одамларда учратамиз. Биз бундай таккослашни тўгри одат, деб хисоблай олмаймиз. Айникса Шарк ва ўарб адабиётини

бир-бирига солиштириб, тарози палласига кўйиш тўғри иш эмас. Хар бир одам ўзига яраша аклли, ўзича чиройли бўлгани каби хар бир асар ўзича теран ёки аксинча, саёз бўлиши мумкин. Ахир биз олма дарахти билан теракни бир-бирига киёсламаймиз-ку, тўғрими? «Хар кимники ўзига, ой кўринар кўзига», деб бежиз айтишмаган.

Бугунги адабиётимизда ўарб, айникса Лотин Америкаси адабиётига махлиё бўлишлик, улар каби ёзишга интилишлик бор. Бунга бизнинг эътирозимиз хам, гайирлигимиз хам йўқ. Хар ким ўзига ёккан чўккини кўзлайди. Каминани бир оз ўйлантирган нарса - чет адабиётдан нусха кўчирилмокчи. Ўзимизнинг бебахо мактабимиз эса четлаб ўтиляпти. Маркесларнинг мактаби - Лев Толстой, Достоевский асарлари бўлган экан. Улар рус ва бошка романчилик мактабларидан фойдаланиб ўз халкларига оид мактаб анъаналарига суянган холда дунёни лол колдирувчи янгилик яратдилар.

Сиз айтишингиз мумкинки, «уларни дунё танийди, бизники факат ўзимизда машхур, даража шунга ярашами?» Бирон бир асарни дунё танимоги факат даражага боглик эмас. Бу ўринда койилмаком таржима мухим. Абдулла Кодирий асарлари тақдирини эслайлик: неча йил туткунликда бўлди? Сталин ўлимидан сўнг гўё озодлик берилгандай бўлди, аммо бу асарлардаги энг кучли тасвирлар, гаплар олиб ташланди. Бу асарлар мана энди асл холича нашр этиляпти. Грузин ёки арманиларда она тилларидан рус ёки инглиз тилига тўғридан тўғри бадий таржима кила олувчи ўз таржимонлари бор. Бизда-чи? Абдулла Кодирийнинг асарлари олтмишинчи йилларда кискартирилган холида аввал сўзма-сўз тарзда русчага «агдарилиб» сўнг ўзбек тилини, тарихини, хаётини мутлако билмайдиган одам томонидан «бадий таржима» килинган. Шарбати сиқиб ташланган анорнинг кадри бўлмагани каби, бундай таржимада чикарилган асарга ким хам қарарди? Эсимдан чикмайди, москвалик бир шоир «мошгуруч соколлик қария» деган сатрни «старик с бородой маша и риса» яъни «соколи мош ва гурунчдан иборат қария» деб таржима қилган экан. Бир неча йил аввал Абдулла Кодирий асарлари туркчага таржима қилинди. Турк адибларининг бизга айтишларича, шошма-шошарлик билан қилинган бу таржима анча саёз экан. Таъбир жоиз бўлса, зикр этганимиз «соколи мошдан ва гурунчдан иборат қария»ни эслатаркан. Демак, улуг адибнинг дунё микёсида ўз мавқеига эга бўлишига тўскинлик қилаётган омилларни хам назардан четда колдирмаслик керак. Сиз балки «Кино-чи, кино хам машхур бўлмади-ку?» дерсиз? Саволингизга савол билан жавоб берайин: «Сценарийси рус тилида ёзилиб, сўнг ўзбекчага таржима қилинган кинодан яна нимани кутиш мумкин? Романни охиригача хеч бўлмаганда бир марта ўқиб чикмаган актёр қандай қилиб қахрамонлар холатини тамошабинга етказиб бера олади?»

Шарку гарб хусусидаги сўзни нуқтадон шоиримиз Эркин Воҳидов гўзал тарзда ифода этиб берганлар:

*Менга Пушкин бир жахону менга Байрон бир жахон,
Лек Навоийдек бобом бор, кўксим осмон ўзбегим.*

Агар кўзингиз тушган бўлса, туркманларнинг улуг адиби Хидир Деряевнинг «Қисмат» деган романлари бор. Бизда «Ўтган кунлар» қандай кадрланса, туркманларда бу асар

шундай эъзозланади. Бунинг сабаби - «Кисмат»ни ёзишга айнан «Ўтган кунлар»дан олинган таассурот туртки бўлган. Хидир Деряев Абдулла Кодирийни ўзига устоз деб билган, таъбир жоиз бўлса, Абдулла Кодирий мактабида сиртдан таълим олган. Шунга ўхшаш, кўшни халкларнинг атокли адиблари ўзларини шу мактаб ўқувчилари хисоблаганлар. Уларнинг аксарлари Тошкентдаги олий ўқув юртларида таълим олганлар ва Абдулла Кодирий асарларини нўнок таржимада эмас, аслиятда ўкиб-ўрганганлар. Ёзувчининг махоратидан лол колганлар.

Кани, бир ўйлаб кўрайлик-чи, уларни қандай сатрлар хайратга солди экан?

«...унинг кўзлари мулойимгина сув устига огдилар. Арикнинг мусаффо тиник суви ювошгина окиб келар, Кумушбибининг каршисига етганда гўёки, унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб кўяр. ўз устида ўлтурган сохиранинг сеҳрига мусаххар бўлган каби таги бир каттарок доирада айлангач, охистагина кўприк остига окиб кетар эди. Арик сувининг ниҳоятсиз бир харакатини узок кўздан кечириб ўлтургач, кўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан арик харакатга келиб чайкалди. Гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учинчи кайталаб юз ювишида бу фитна таги ҳам кучайди.»

Мавлоно Лутфий хазрат Алишер Навоийнинг биргина байтларидан хайратланиб, барча ёзганларини шу байтга алмашишга тайёр эканликларини изхор этган эканлар. Кондош халкларнинг адиблари калбида ҳам мухаббат уйғонишига балки айнан шу сатрлар сабаб бўлгандир? Аввал айтганларимизга кайтадиган бўлсак, Кумушнинг бу тасвири шунчаки гўзал баён эмас, балки асар юрагининг зарблари эди. Яъни «сув ичида бир фитна юз берганининг» қандай окибатларга олиб келгани ишора килинган эди.

Навбатдаги фикрни баён этишдан аввал яна бир асардан кичик лавхани эсласак:

«Муз тагида лойкаланиб оккан сувларнинг гамли юзлари кулди, ўзлари хоргин-хоргин оксалар-да, бўшалган кул сингари эркинлик нашидасини кемира-кемира илгари босадилар... Бултур экилиб, кўп кошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чикди... Мулойим кўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлашни мунча яхши кўрар экан, бу кўкат!»

Бу сатрлар яна бир улугимиз Чўлпон хазратларининг асарларидан олинди.

Тошкентнинг эски шаҳар қисмида Юнус ота исмли табаррук отахон яшардилар. Муаллимликни касб қилган бу киши ёшлик кезлари Абдулла Кодирий, Абдулхамид Чўлпонлар билан суҳбатлашиш бахтига эришган эканлар. Юнус ота Москвада ўкиб юрган пайтларида Чўлпон билан учрашиб «Кеча ва кундуз» романи кодириёна ёзилибди», деб лутф қилибдилар. Шунда Чўлпон бош чайкаб: «Ундай эмас, Кодирийга етишга йўл бўлсин», деган эканлар.

Барчамиз ҳам устоз Чўлпон каби бўлолсак эди...

Энг юксак чўкки шу, бошка йўл йўқ, дейилгувчи даъводан йирокмиз. Эҳтимол келгусида янада юкорирок чўккига эришилар. Балки келажак авлод адабиётимизга биз кутмаган тарзда баҳо берар, валлохи аълам...

Абдулла Кодирий йигирманчи асрдаги янги романчилик мактабларидан бирининг асосчиси, деб тан олингани маълум. Шу ўринда бир нарсани фарқлаш зарур: баъзан «Ўзбек прозасининг асосчиси» деган иборани ҳам учратиш қоламиз. Шундай десак, ёзувчини улуглаганимиз холда, ўзбек адабиётини, ўзбек насрини кашшоклаштириб қўйган бўламиз. Ўрни келганда айтайлик, хазрат Алишер Навоийни улуглаганимизда «Ўзбек адабий тили мавқеини олий поғоналарга кўтарди», дейиш ўрнига, ўйлаб ўтирмай «ўзбек тилининг (ёки «адабий тилининг») асосчиси», деб юборамиз. У холда Махмуд

Кошгарий, Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Яссавий, Лутфий хазратлари кайси тилда ижод килишган? Улугларимиз бизнинг ёлгон мактовларимизга мухтож эмаслар. Тўгри гапни ёзиш, айтиш жоиз.

Хамонки романчилик мактаби хакида сўз очдик, аввал «роман» атамасининг лугавий маъносини билиб олайлик: «роман» атамасини бировлар немис, бошқалар французларники деб хисоблашади. Бу атама истеъмолда бир неча маъноларга эга. Адабиётга хос маъноси: роман бирор воқеанинг эркин тарздаги муфассал баёнини англатади. Ўтган асрларда «роман» тарзи Европада «ишқий кисса» маъносини англатган. Икки севишганнинг арзи-холи «роман» деб белгиланган. Маълумингизким, бу каби ишқий киссалар ўзбек адабиёти тарихида кўп бўлган. Адабиётнинг жамиятга муносабати, жамият тараккиётига таъсири, аралашуви, фаоллашиши оқибатида роман, яъни ишқий кисса зиммасидаги вазифа ўзгарди - ишқ баёни ижтимоий масалалар билан бойитилди. Ишқий фожиалар сафига ижтимоий фожиалар, жамият, замонга доир фожиалар кўшилди. Ана шундай янги кўринишдаги романни ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Абдулла Кодирий яратдилар. Яратганда ҳам мактаб даражасида, яъни бошқалардан курук нусха кўчирмай, таклид қилмай, яратдилар. Шундай асарлар борки, агар кайси тилдан таржима қилинган ёзилмаса кайси халқ хаёти хикоя қилинаётгани билинмайди. Бу асарларда миллий кифо бўлмайди. Насронийнинг бошига дўппи қийғизиб қўйганингиз билан у ўзбек бўлиб қолмаганидек, асар ўзбек тилида ёзилгани билан миллий роман бўла қолмайди. Асар фақат чиройли сўзлардан, жимжима баёнлардан иборат нарса эмас. Асарнинг ҳам вужуди, қалби бўлади. Унинг миллийлик даражасини айнан шу қалб белгилайди.

Мисол учун Кумушбиби билан Анна Каренина тақдирини олайлик. Икковлари ҳам гўзал, икковларида ҳам мухаббат бор, икковлари ҳам севги қурбони. Хар икки асар ҳам бу лобарларнинг ўлимлари баёни билан ниҳоясига етади. Лекин уларнинг мухаббатлари бир хилми? Анна - оилали аёл, бегона эркакни севади. Оқибатда ўзини халок қилади. Унинг бир гуноҳи икки бўлди. Кумушбиби - маъсума аёл. У эрига содик. Хатто уни кундошидан қизганди. Балки қизганиши, ишқнинг чегарасидан чиққани туфайли ўлим топгандир? Аннанинг севгилиси (эри эмас!) билан Кумушнинг кундоши - Зайнаб тақдирида қандай яқинлик бор? Хеч қандай. Кумуш - зайнаблар тақдирини Европа халқлари хаётдан излаб топиш мумкин эмас. Қелинг, ўлимга доир икки баённи эслайлик:

«...яқиндагина хаёт жўш уриб турган, энди эса қазарма столида, ёту бегоналар кўзида Аннанинг жасади ибосиз бир равишда қонларга беланиб ётарди: соғ қолган чакқалари, гажакли боши, оғир қокиллари орқага ташланган: гўзал чехрасида, ярим юмук қизғиш лабларида ачинарли, тиниб қолган очик кўзларида ваҳимали бир ифода бор эди: бу ифода уришиб қолишганда Вронскийга «Шошманг, хали пушаймон бўласиз», деган ўша дахшатли сўзини айтиб турганга ўхшарди...»

Бу тасвирни, Анна Каренинанинг топгани фожиали ўлимнинг баёнини русларнинг дунёдан олган улуг ёзувчиси Лев Толстой ёзган. Энди бу лавхага эътибор берайлик-чи:

«...Хожи Кумушнинг бошига қелиб ўлтурди. Отабек ва онаси оёғ устида эдилар. Кумушнинг кўзи юмук, сочлари юзи устида паришон эди. Хожи ўз қўли билан сочларини тузатиб Кумушнинг кўкимтил товланган юзини кўрди ва манглайини босди...»

-Ойим... Ойим!- деди Хожи. Кумуш кўзини очиб, бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... кўзгалмокчи бўлди.

-Кўзгалманг, ойим... кўзгалманг!

Кумушнинг кўз ёшиси чаккасидан окиб тушди... Хожи ҳам ўзини тўхтатолмай, Кумушнинг ёшени артиб, бошини силади:

-Худо шифо берар, болам!

Кумуш жомга кўзгалди, Отабек келиб кўлтиклади, Хожи ҳам унинг бошини тутди... Бу гал кусук конга айланган эди, бурнидан ҳам бир неча томчи кон окди... Кусуб ётгач, кўзи яркиллаб очилиб кетди ва теварагига бетокат каранди:

-Ойи... дада... - сўнгра,- бегим, -деб ингранди... Эрининг юзини юзига кўйди, уялгансумон кўзини юмди...»

Бу эса улугимиз Абдулла Кодирийнинг тасвирлари.Ўлаётган икки жоннинг бу дунёдаги икки хил кўриниши. Ана энди бу икки баёндаги номларни ўзгартириб кўринг-чи, ўхшармикин? Ха, мутлако ўхшамайди. Нафис адабиётда миллийлик дегани ҳам айнан шу нуқтада кўринади.

Абдулла Кодирийнинг ўгиллари Хабибуллох ака бир суҳбатларида диққатга лойик фикрни айтган эдилар: улуг адиб «Ўтган кунлар»ни ёзгунга қадар Шаркнинг нодир адабиёти билан биргаликда Европа насрининг юксак намуналарини ўрганган эканлар. Бу айти тўғри гап. Улуг адибнинг асарларида шаркка хос латифлик мавжуд. Ижтимоий масалаларни дадиллик билан асарга сингдириш эса ўарб адабиётига хос услуб.

Гарчи «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» севги киссасига ўхшаса-да, унинг замирида Ватан тақдири, Ватан кайгуси ётади. Адиб «бир вақтлар қудратли бўлган ота юрт нима сабабдан ночор ва гариб холга тушди?» деган саволга жавоб топмок учун тарихни таҳлил этади. (Бу ҳақда аввалги мақолада сўз юритган эдик. Мавзу диққатга лойик бўлгани сабабли таъкид ўрнида яна айрим фикрларни такроран баён қиляпмиз.)

Адабиётда янги романчилик мактабини яратган адиб бу саволга жавоб топди, юртни бўғиб турган хасталикларни аниқлаб, бу ташхисни қахрамонлари тилига кўчирди:

«Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаборса холимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолади», дейди Отабек. Мирзакарим кутидор эса «Амири Умархондек одил подшо бўлса биз ҳам ўрусдан ошиб кетар эдик», деган хомхаёлда юради. Хомид ахволни ўз қаричи билан ўлчайди: «Худо қофирнинг дунёсини берган», дейди у. Зиё шохичининг фикри ҳақиқатга бир оз яқинлашади: «Бизнинг бу холга тушишимиз ўз феъли хуйимиздан», дейди у. Айти тўғри хулоса Отабек тилидан баён қилинади: «Менимча ўруснинг биздан юқоридалиги унинг иттифоқида бўлса керак. Аммо бизнинг кундан кунга орқага кетишимизга ўз аро низоимиз сабаб бўлмокда, деб ўйлайман... Орамизда бу кўркинч холатқа баҳакки тушунадиргон яхши одамлар йўқ, билас, бузғувчи ва низъочи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни халокат чуқурига қараб тортадирлар... Модомики, истибдод орқали эл устига ҳукмрон бўлғувчилар йўқотилмас эканлар, бизга нажот йўқдир, магар шундай гаразчиларни, улар ким бўлсалар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқузиш - нажотимизнинг ягона йўлидир...»

Афсус шуки, нажотнинг ани шу ягона йўлидан юрилмади. Яқин ўтмишдаги бу гофилликни адиб мазористон холатига қиёслади ва Отабек тилидан «мазористонда «хайъа алал фалах» хитобини ким ҳам эшитар эди», деган тўхтамга қелди. Дарвоқе, қабристонда «нажотга қелинлар!» деб хитоб қилинса ким ҳам қеларди... Тобелари бир-бирлари билан ахил яшай олмаган жамият мазористон қабидир. Бу жамият ақли гарчи тирик бўлиб кўринсалар-да, улар руҳан ўлиқдирлар. Ўтмиш воқеаларини таҳлил этган адибнинг хулосаси мана шу. Подшо зулмидан болшевик зиндонига ўтиш даврида миллат гўё бир уйғонгандек бўлди-ю, сўнг яна гафлат уйқусини давом эттирди.

Отабекни кайгуга солган ноиттифоклик миллатни яна зиндонбанд килди. Ёзувчи бу жараёни ўз кўзлари билан кўрди, кўра туриб рухи фарёд этди ва бу фарёд ёзилмиш асарларига кўчди. Отабек асар бошланишида тилга олган ўзаро низо балоси роман давомида ўз аксини топа борди. Хомиднинг килигидан тортиб, Азизбекнинг фитнасига қадар, барчаси миллатни, Ватанни хорлик боткогига ботирувчи омил экани ўз аксини топди. Абдулла Кодирий Отабек тилидан гапириб, гаразчиларни иш бошидан қувлаш, улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтказишни орзу қилган эдилар. Ўтмишдан то йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларига қадар етиб келган гараз оқими оқибатда миллат фахрларининг жонига қасд қилди.

Ёзувчининг буюклиги шундаки, йигирманчи йилларда бу гараз, бу зулм оқимининг йўналишини кўра билди. Адибнинг асарларида миллатни уйғотишга, бу қора оқимни тўхтатишга чақирик бор эди. Афсуски бу хитоб ҳам Отабек айтмоқчи, мазористондаги «хайё ала фалак» сингари бўлди.

Абдулла Кодирий яратган мактабнинг синфлари - бўлимлари кўп. Биз бир-икки бўлимига озгинагина назар ташладик. Адабий тилга доир маҳорат, хикматлар баёни, табиат тасвири... буларни ўрганиб, охирига етиш учун умр қисқалик қилар... Гапимиз бир оз чўзилиб кетганидан билинги, устознинг фикрни мухтасар тарзда, гўзал равишда баён этиш маҳоратларини етарли даражада эгалламабмиз.

Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, «Самарканд дарвоза» деб аталмиш ерда 37-уй бор. Эътибор берилса, уйларнинг тартиб рақамига кўра бу хонадон ўттиз еттинчи эмас. Дарвоза қошидаги «37» рақами 1937 йилдан, аниқроғи йил адоғи - 31 декабрдан дарак бериб туради. Айнан шу қуни ёзувчини оиласи бағридан юлиб олганлар. Уларнинг максоди адибни фақат оила бағридан эмас, халқ қалбидан юлиб олиш эди. Улар бунга жисман эришдилар, халос. Рухга, халқ қалбига таъсир ўтказишга ожиз эдилар.

Одатда одам вафот этгач, уни ювиб, қафанлаб, тобутга солиб, елкада кўтариб сўнги манзил - қабрга элтадилар. Абдулла Кодирий ва у табаррук зотнинг биродарларига бу эҳтиром насиб этмади. Уларга бунданда улугроқ саодат берилди - улар халқ қалбига мангуга кўчдилар.

Адабиёт ўткинчилик қонуниятларидан холидир. Фақат адабиётгина ўлимни тан олмайди.

Самарканд дарвозадаги 37-хонадонда Абдулла Кодирий олиб чиқиб кетилган уй хали ҳам бор. Ўша даврнинг нуқтадонлари суҳбат қурган шийпон ҳам сақланган. Шийпон атрофида, бог ўрнидаги уйларда адибнинг авлодлари яшашади.

Самарканд дарвозадаги 37-уйда ҳаёт давом этапти.

Ҳақиқат йўлидан тоймаган устознинг қиёматда аъмол номаларини ўнг қўлларидан олмоқликларини Аллоҳ насиб этсин. Омийн!

2003 й.

Тохир Малик